

Ҳ У К М  
Ўзбекистон Республикасиноmidан

2020 йил 11 июнь

Қува тумани

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди, раислик қилувчи З.Омонов, С.Исроиловнинг котиблигида, тарафлардан прокурор ёрдамчиси А.Исмоилов, ҳимоячи Д.Рустамованинг қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган

Турдалиева Мастурахон Эрматовна (Turdalieva Masturaxon Ermatovna), 1959 йил 30 май куни Қува туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали беш нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, нафақада, Қува тумани, “Қашқар” МФЙ, Қўриқ кўчаси 9-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида 04.06.2020 йил куни “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 08.06.2020 йил куни олганга оид

1-1511-2001/48-сонли жиноят ишини ўз биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Турдалиева Мастурахон, 2020 йил апрель ойида яшаш уйидаги 3м<sup>2</sup> экин ер майдонида 10 туп “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимликларини экиб, уларни қонунга хилоф равишда парваришлаб, агротехник ишлов бериб келган.

2020 йил 21 май куни Қува туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2020” тадбири давомида, Қува тумани “Қашқар” МФЙ, Қўриқ кўчаси 43-уйда яшовчи Турдалиева Мастурахоннинг яшаш уйининг экан ер майдони холислар иштирокида кўздан кечирилганда, М.Турдалиева томонидан 3м<sup>2</sup> ер майдонида жами 10 туп “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимлиги агротехник ишлов берилиб, парвариш қилинаётгани аниқланган ва мазкур ўсимликдан текшириш учун намуналар олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2020 йил 22 май кунги 311-сонли хулосасида, М.Турдалиеванинг яшаш уйи ер майдонидан топилган ўсимлик таркибида “опий” гуруҳига мансуб: морфин, кодеин, тебаин каби гиёҳвандлик алкалоидлар мавжуд “кўкнори” ўсимлиги экани аниқланган.



Шунингдек, Кува тумани қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиснинг хулосасида, М.Турдалиеванинг яшаш уйи томорқасидан олинган 10 туп “кўкнори” ўсимликлари суғорилиб, парваришлангани хулоса қилинган.

Судланувчи Турдалиева Мастурахон Эрматовна судда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ўзи 2020 йил баҳор ойида уйини экин ер майдонида, хурмо ва ловия кўчатлари орасида ўсиб чиққан ўтларнинг ичида “кўкнори” ўсимликлари ҳам униб чиққанини кўргани, “кўкнори”дан турли ҳил касалликларни даволаш мақсадида фойдаланишни ўйлаб, ер майдонидан чиққан “кўкнори” ўсимлигини юлмай, бошқа ўтлардан уларни тозалаб, сув қуйиб парвариш қилгани, уни “кўкнори” ўстирганини оила-аъзоларидан ҳеч ким билмагани, 2020 йил 21 май куни Кува тумани ИИБ ходимлари келишиб, унга “Қорадори-2020” тадбири ўтказилаётганини айтиб, уйининг экин майдонида ўсиб турган 10 туп “кўкнори” ўсимликларини аниқлаб, уларни холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олишгани, сўнг намуналар олишиб, қолганини ёқиб юборишгани, ҳозирда ўзи қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, келгусида бундай ишлар қилмаслигини баён этиб, суддан ўзига енгиллик берилишини илтимос қилди.

Гувоҳ Тешабоев Лутфулло судда кўрсатув бериб, ўзи 2020 йил 21 май куни Кува тумани ИИБ ходимлари таклифи билан ўтказилган “Қорадори-2020” тадбирида холис тариқасида иштирок этгани, тадбирда ИИБ ходимлари томонидан Кува тумани, “Қашқар” МФЙ Кўриқ кўчаси 43-уйда яшовчи М.Турдалиеванинг экин ер майдони кўздан кечирилгани ва у ерда ўсиб турган 10 туп “кўкнори” ўсимликлари мавжудлиги аниқлангани, мазкур ўсимликлар парваришланган ҳолда бўлгани, сўнг ИИБ ходимлари “кўкнори” ўсимликларини юлиб, ундан намуналар олиб, қолганини ёқиб юборишганини баён этди.

Гувоҳ Тўйчиев Асилбек судда кўрсатув бериб, судланувчи М.Турдалиева унинг онаси экани, 2020 йил 21 май куни Кува тумани ИИБ ходимлари томонидан тадбир ўтказилиб, экин ер майдонида ўсиб турган 10 туп “кўкнори” ўсимликлари мавжудлиги аниқлангани, ҳақиқатдан ҳам, онаси касалликларга даво бўлади деб нотўғри ўйлаб “кўкнори” ўсимликларини юлиб ташламай, уларни парвариш қилганини баён этиб, суддан онаси М.Турдалиевага енгиллик берилишини сўради.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи М.Турдалиеванинг баён этилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг қилмишига тўлиқ иқрорлигидан ташқари, жиноят ишида мавжуд воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган фотосуратлар, ашёвий далилларни олиш баённомаси, қишлоқ хўжалиги мутахассиси ва суд-кимёвий экспертизасининг 22.05.2020 йил кунги 311-сонли хулосалари далиллар билан тўлиқ тасдиғини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Турдалиеванинг жинойи қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, судланувчи М.Турдалиева ўзининг яшаш уйининг 3м<sup>2</sup> экин майдонида тақиқланган экинларни, яъни таркибида “опий” гуруҳига мансуб:



морфин, кодеин, тебаин каби гиёҳвандлик алкалоидлар мавжуд бўлган 10 тупдаги “кўкнори” ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, уларни етиштирган.

Суд, судланувчи Турдалиева Мастурахонга нисбатан жазо тури ва уни миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрор ва ундан пушаймонлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши, олилавий шароити оғир экани, ўзи 61 ёшда бўлиб ҳозирда нафақада эканини жазони енгиллаштирувчи ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, М.Турдалиевага Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини қўллаб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам миқдоридан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди

Бундан ташқари, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишидаги бир дона конвертда сақланаётган “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимликлари намуналарини йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд,

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи Турдалиева Мастурахон Эрматовна (Turdalievna Masturaxon Ermatovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Турдалиева Мастурахонга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисми билан билан ЖК 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдоринг ўн бараварида 2.230.000 (икки миллион икки юз ўттиз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

М.Турдалиевага қўлланилган “муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил, жиноят ишида сақланаётган “кўкнори” ўсимлигининг намуналари йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи :

З.Омонов

